
Қува туманида аҳоли ҳонадонларига парранда тарқатилмоқда.

Юртимизда аҳолини айниқса хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаоллигини ошириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармони бу борада дастуриламал вазифасини баджармоқда.

Қува туманида ҳам ҳоким ёрдамчилари томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилиб, хонадонлар хатловдан ўтказилиб, хонадонларнинг иқтисодий ахволига кўра 4 та тоифага ажратиб олинди. Ўтказилган хатловлар натижасида аниқланган уйда ўтирган, ишсиз фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг оилавий даромадларини ошириш ҳамда уларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун шароит яратиш мақсадида тумандаги сектор раҳбарлари томонидан тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, субсидия маблағлари ҳамда кооперация усулида 35 та хонадонга 100 бошдан паррандалар тарқатилди. Айти пайтда бу хайрли иш давом этмоқда.

2022-04-17 13:28:34